

ҚИЗЛАР САБОҒИ

Якшанба куні эрталаб тикув ма-
шинаси олдига ўтирган онам, туш-
дан кейин менга чиройли кўйлак
тикиб бердилар. Уларнинг чаққон-
ликларига, чеварликларига қан-
ча қизиққан бўлсам, жажжи кўй-
лакчамга ҳам шунча ҳавасим кел-
ди. Онам ўз ишлари билан банд
бўлгач, ўзимча мен ҳам чаққон-
лик билан синглимнинг қўғирчо-
ғига кўйлакча тикмоқчи бўлдим.
Матони кесишга кесдим у тика бош-
лашим билан нинани шундай бар-
моғимга санчиб олдимки...

Онам четда кузатиб турган экан,
кулиб ёнимга келди-да:

— Қиз бола кўп нарсани били-
ши керак. Аммо уни бир кунда
ўрганиб олиш қийин. Бугундан
бошлаб қизлар сабоғини бошлай-
миз, — дедилар.

Қизлар сабоғи пазандачилик,
тикиш-бичиш, кашта тикиш, тў-
қишдан иборат эди. Унинг анча-
сини ўзлаштириб олдим.

М. ҚУШШАЕВА,

Жиззах вилояти, Зомин тумани.
4-синф.



Майин, ёқимли мусиқа таралапти. Унинг овозидан
сеҳрланиб, ўйланиб қоламан. Бу ёқимли куй қайси муси-
қа асбобидан янграётган экан? Танбур, дутор, рубоб, эҳ-хе,
уларнинг турлари қанча?! Ҳар бирининг сози ўзга бир
олам. Уларнинг овозини ҳаммамиз ҳам ажратавермаймиз.
Аввал унутилиб қолган қадриятларимиз, урф-одатларимиз,
анъаналаримиз қаторида, аждодларимиз қадимдан шугул-
ланиб келишган кулолчилик, мистарлик, ўймакорлик, те-
мирчилик, тандирчилик, миллий чолғу асбоблари ясаш ка-
би ҳунарлар ҳам бор.

Мустақилликни қўлга киритиб, ўз эркимиз, тилимизга
эга бўлган ҳозирги шароитда ота-боболаримиз касб-корла-
рини давом эттириш вақти келмадимикан?! Шу мақсадда
биз бугун газетамиз саҳифасида «Хунардан — унар» ру-
қинини очдик. Бундан буён шу руқин остида унутилган ҳу-
нарларни ҳамон ардоқлаб келаётган «қўли гул» хунар-
мандлар ҳақида ҳикоя қилиб борамиз.

Азиз ўқувчилар! Сиз ҳам ўтишимизга, бугунги кун-
мизга янада эътиборлироқ бўлинг, бува ва бувижонларин-
гиз ҳикояларига қулоқ тутинг, касб-корлари билан қизи-
қинг, уларнинг хунарларини ўрганинг.

Ўрганаётган хунарингиз, катталардан тинглаган қизи-
қарли ҳикояларингизни эса ушбу янги руқини номига ёзиб
юборинг.

Чинор эмас, тут бўлсам дейман...

Ҳақиқий санъаткор учун
создан азизроқ, қимматлироқ
совға бўлмас экан. Ёш, ис-
теъдодли қўшиқчиларнинг
«Намолот — 91» кўрик-тан-
ловида ғолиб деб топилган
Орол Сафаров ҳам энг олий
соврин — тор билан тақдир-
ланди. Олий соврин сифати-
да берилган бу ажойиб тор-
ни камтарин, «қўли гул»
уста Муҳаммадназир ака
Юнусов ясаган.

Ёш техниклар станцияси
биносидagi кичик-кичик ик-
ки хона. Улар чолғу асбобла-
ри ясашда қўлланиладиган
анжомлар билан банд. Де-
ворларда эса ҳақиқий мил-
лий мусиқа асбобларидан
тортиб, жажжи созларгача
қатор қилиб илиб қўйилган.
Бу ер устанинг ижод хонаси.

Муҳаммадназир ака жу-
да ёшлигиданоқ мусиқани се-
вар, бирор ёқимли куй тара-
либ қолса, вужуди қулоққа
айланиб тингларди. Тингла-
ганда ҳам ҳар бир чолғу ас-
бобининг созига, овозига диқ-
қат билан қулоқ соларди.

Турли куйларни ўзинча хир-
гойи қилиб, созларнинг тур-
ларини ўрганиб бораётган

Муҳаммадназир аканинг ота-
онаси «бу шунчаки ўтқинчи
ҳавас бўлса керак», деб эъ-
тибор беришмасди. Чунки
улар авлодида санъаткорлар
бўлмаган. Кейинчалик эса
маориф, савдо соҳаларида
ишлаб юрган кезларида ҳам
Муҳаммадназир акадаги му-
сиқага бўлган ҳавас сўнмади.
Устози Муҳаммадjon Кари-
мовдан куй чалиш сирлари-
ни ўргана бошлади. Куй ча-
ла туриб эса ҳаёлан қандай
қилса созлар жарангдорлиги-
ни ошириш мумкинлиги, ас-
боблар кўринишларини янада
чиройлироқ қилиш ҳақида ўй-
лаб кетарди. Ана шу ўй, из-
ланишлар натижасида санъ-
аткорларга манзур бўлган
«Манзур» танбури пайдо
бўлди.

Санъат билан пул бир-
бири билан чиқишолмайди.
Пулга, бойликка рўжу қўй-
ган санъаткор келажагидан
умид қилмаса ҳам бўлади, —
таълим беради бизга устози-
миз. — У кишининг ўғитла-
рига қулоқ солиб, қоқилаёт-
ганимиз йўқ. — миннатдор
шогирдларнинг дил сўзлари
бу. Дарҳақиқат, Муҳаммад-

назир ака сабоғини олган
фарзандлари Собиржон ҳам-
да Шокиржонлар ҳам ота
изидан бориб, келажақда
санъаткор бўлиш орзусида-
лар. Хайрулло Ҳабибуллаев,
Мирзохид Жалилов, Қаҳра-
мон Исмоиловларнинг ўзлари
ҳам айни кунларда «миллий
мусиқа созлар тайёрлаш» тў-
ғаракларида ёшларга сабоқ
бериб келмоқдалар.

Бу тўғаракларнинг аъзо-
лари асосан ўғил болалар.
«Йигит кишига қирқ хунар
ҳам оз», деганларидек, фар-
зандларининг хунарни бў-
лишлари учун шароитлар
яратиб бераётган ота-оналар
билан бир қаторда, фақат ўз
манфаатини кўзлайдиганлар
ҳам йўқ эмас. Бир кун у-
станинг хонасига кириб кел-
ган бир киши ўзини шогирд-
ларидан бирининг отасиман,
деб таништирибди. Сўнгра
девордаги мусиқа асбобига
ишора қилиб сўрабди:

— Мана бунингиз неча
пул туради?

— Минг сўмлар атрофида.

— Ясаш учун қанча фур-
сат кетди?

— Бир йиллар чамаси...

...Ота шу кунгиз сабоқ
олишга келган ўғлини қайта-
риб олиб кетибди.

Муҳаммадназир ака бола-
ларнинг бўш вақтларида
кўчаларда санчиб юрмай,
мана шундай тўғаракларда
хунар ўрганишлари тарафдо-
ри, албатта. Лекин, шогирд-
лари орасида ҳар нарсанинг
қадрини пул билан ўлчайди-
ганлари бўлмагани ҳам маъ-
қул.

Шогирдларим жуда
кўп. — дея ҳикоя қилади
Муҳаммадназир ака, — улар
билан маслаҳатлашамиз, му-
нозаралар уюштирамиз, баҳс-
лашиб ҳам қоламиз, ҳатто.
Бундан жуда хурсандман.
Тўғри, менда ҳеч қандай ун-
вон йўқ, машҳурман, деб ҳам
айтолмайман. Лекин умидли
шогирдларим билан мақтана
оламан. Чинордек боқий, са-
лобатли дарахт фақат соя
ташлайди, ҳосил бермайди.
Шунинг учун азим чинорни
мен айрим таниқли, машҳур,
аммо бирорта ҳам шогирди
бўлмаган санъаткорларга қи-
ёслагим келади. Чинор эмас,
тут бўлсам дейман...

Феруза ЖАЛИЛОВА.

Суратда: Муҳаммадназир
ака Юнусов шогирдларига
танбур ясашининг сир-синаот-
ларини тушунтирмоқда.

УЛУҒ ШОИРГА ҲАЙКАЛ

Бировлар наздида жоҳил Оснё
Фақат завоқ кўриб, кўрмаган камол.
Мусо илтижоси етди-ю гўё
Ҳақ Тўр тоғи узра кўргазди жамол —
Жаҳон меҳробиди пайдо Алишер...

Бу азиз зот туғилган кун шеърпараст
ҳар бир кўнгилда чинакам шеърят бай-
рамига айланади. Биз, ўзбеклар, учун эса
миллий ғурур намунаси. Шунинг учун бўлса керак,
иқтисодий қийинчилик ва ислохот ҳар қадамда
мушқудлик туғдириб турган айни кунларда ҳам бу-
нинг гувоҳи бўлиш мумкин. Навоий тумани меҳнат-
кашлари шоир таваллуд топган кунга муносиб тўё-
на ҳозирлашди: Қармана шаҳрида Навоий ҳайкали
очилди.

Бу тантанани очган Навоий тумани кенгаши раи-
си Мўминжон Холиқов Навоийда бу ҳайкални яра-
тиш қийинчиликлари ҳақида гапирди ва анчадан
буён туман меҳнаткашлари дилида армон бўлиб
келган орзу амалга ошгани билан барчани қутла-
ди. Сўзга чиққан туман ижроия қўмитасининг раи-
си Азим Истамов эса улуғ шоир ҳайкали шеърпа-
раст навоийликларнинг пешона теридан таркиб
топганлигини таъкидлаб ўтди. Ўзбекистон Ёзувчи-
лар уюшмаси бошқарувининг котиби, Ўзбекистон
халқ депутати, Абдусайд Кўчимов:

— Улуғ бобомизга қўйилган бу ҳайкал халқимиз
ҳар қандай шароитда ўз миллий қадриятларини тў-
тиё қила олишининг рамзи ҳамдир, — деди.

Бу тантанада Низомий номидаги ТДПнинг На-
воий бўлими директори, филология фанлари докто-
ри Равшан Раҳмонов, «Ёшлик» журналининг бош
муҳаррири ўринбосари, ёзувчи Ғаффор Ҳотам, Ўз-
бекистон Ёзувчилар уюшмаси Тарғибот маркази
бошқони, шоир ва драматург Тўра Мирзо, шоир
Одил Ҳотамов, Наталья Панова, Раҳим Қодир син-
гари қатор ижодкорлар ҳам сўзга чиқиб улуғ бобо-
мизнинг ижоди, у қурдирган бебаҳо обидалар ҳа-
қида тўлқинланиб сўзлашди, шеърлар ўқишди.

Б. ЭРГАШЕВ,
Навоий вилояти.



Ҳурматли амакимиз Яндаш Тўраев!

Сизни қутлуғ 50 ёшингиз билан қутлаб, Бухороий ша-
риф учун, элимиз турмуши, фаровонлиги йўлида бошла-
ган хайрли юмушларингиз тезроқ амалга ошишига ти-
лақдошимиз.

Ҳамиша соғ бўлинг, меҳр-мурувватли қалбингизни жа-
мики маломатлардан яхшилар асрасин.

Шоҳруҳ ва Шоҳжаҳон РАУПОВ,
64-мактаб. Тошкент.

Ўғлим сен учун менда бир тилак,
Туғилган кунинг бўлсин муборак!
Сени туғилган кунинг билан
Табриклайди оташқалб юрак.

Ўғлим, сени туғилган кунинг билан табриклаймиз. Ке-
лажагинг порлоқ бўлсин. Ўқишларингга ривож тилаб:

Даданг Комилжон, онанг

Бибижон, Саодатжон.

Опанг Шарофат, уканг

Жаҳонгир, опанг Меҳрибон

ва Нилуфархон.

Хоразм вилояти, Урганч

шаҳри, Бекчоновлар онла-

си.



ТАБРИКЛАЙМИЗ!

ЎЗИМИЗ ИШЛАЙЛИК

Биз, болалар уйи болалари, ҳар сафар бизга корхоналар, ташкилотлар ва кишилар совға-салом олиб келишганида ўзимизни қандайдир таҳқирланган сезамиз. Бизга гўё садақа бераётган, ўз гуноҳини юваётгандек туюлади. Тўғри ёшлигимизда биз бундан қувонардик. Ҳозир эса ишлаб топгимиз келади. Бизга келиб мана сенга, мана сенга деб совға-салом қилиб кетгунча, уни қандайдир мусобақа, беллашув йўллари билан беришса қизиқроқ бўларди. Шунда биз ҳам ўзимизни фақат хайр-аҳсонлар ҳисобига яшаётган ҳис этмас, ҳаётимиз, ўтаётган кунларимиз ҳам мазмунлироқ бўларди.

Бунга амалга ошириш қийин эмас-ку!

Адолат АЗИМОВА,
Тошкент шаҳри.



Ким ҳафа қилди, болажон...
Д. АХМАД суратга олган.

УЯТГА ЎРИН ҚОЛМАСИН

Биз биология фанига жуда қизиқамиз. Бу фандан дарс берувчи муаллимимиз анатомия дарсларидан ҳам ўқитади. Фанни чуқур ўрганишга қанча қизиқсак, бу фанларга иштирок этишга соат сайин уялаямиз. Ўқитувчимиз ҳам баъзи темаларни чуқур ўргатишга истиҳол қилиб, юзаки ўтиб кетадилар. Шу сабаб ҳам кўпчилигимизнинг фикримизча, анатомия дарслари ўзбек мактабларида қизларга алоҳида, ўғил болаларга алоҳида ўтилгани маъқул шекилли. Бунда фан ҳам чуқур ўзлаштирилади, уятга ҳам ўрин қолмайди. Фикримни очиб айтдим, лекин исминини тўлиқ келтирмаганимга узр сўрайман.

С. Д.
Тошкент шаҳри.



Қадрли муштарий

Бугун сиз саҳифамизда ўқиётган хатларнинг барчаси икки ёқлама: қўшилиш ҳам, қарши чиқиб, соатлаб тортишиш ҳам мумкин. Унга ўз фикрингизни билдиринг, ҳақлигингизни, сиз ҳам атрофга бепарво эмаслигингизни кўрсатинг!

КАТТАЛАР, ЭЪТИБОР БЕРИНГ!

Мабодо мен эрталаб фарзандларимга «бугун боғчага бормасизлар, боғча опанглар бетоб бўлиб қолибди», десам, «ура» деб бақириб юбориши тайин. Ишонмасангиз ўзингиз ҳам шундай қилиб кўринг. Фақат хафа бўлманг, фарзандингиздаги боғча опага ачинмаслик ҳисси сизни қийнамасин. Нега у боғчадан безганлиги ҳақида ўйланг.

Бугунги кунда боғча, мактаб ҳаммасида болалар ҳаёти бир хил, қолибга солинган. Шу бондан улар ҳар кун эрталаб бормайман деб хархаша қиладилар. Боғчадан олиб қайтсангиз, ёз кунлари бўлса, кеч соат ўн қадар уйга киришни истамайди. Чунки у кун бўйи боғчада (бир соатлик ташқарига олиб чиқишни ҳисобга олмасангиз), маҳбус ҳаётини бошдан кечиради. Эътибор қилинг, машғулотлар нақадар зерикарли, бир хил, яна ёппасига мажбурий жорий этилади. Одатда бола характери мураккаброқ, жуда кўпчилигининг сиз истаган нарсани ҳа деганда бажаргиси келмайди. Боғча эса уларни ўз йўригига туширмоқчи бўлади. Уддасидан чиқиш қийин, натижада болалар қалби оғир жараҳат олади.

Менинг гапларимни сохталикда айбламам, ишонмасангиз истаган боғчага кириб кўринг «бахтли болалиги учун партияга минг раҳмат» ай-

таётган болаларнинг мунгли кўзларига боқиб, юрагингиз эзилиб кетади.

Бунинг устига яқинда мен ўзим гувоҳ бўлдим, бир боғчадан унга яқин бола сариқ касаллиги билан оғрибди. Тўғри, уйдаям оғриши мумкин. Лекин боғчада бунинг аҳтимоллиги янаям кўпроқ экан. Яна бир нарсаси, боғчалар болаларнинг ошқо-

ни ёқтиради. Боғчада эса улар стулда бир-бирига термулганча соатлаб ўтиришадди, диққати ошади, кайфияти охир-оқибат асаби бузилади. Менинг бу гапларим боғчаларимизнинг 99 фоизига тегишли. Боғча бизда болаларни издан чиқарувчи оналар учун иложсизликдан боласини берган «тарбия» маскани?

Боғчаларни ЁПИШ КЕРАК!



зоини бузишда ҳам яхшишигина «улуш» қўшишар экан. Ростиди, тушликни еб ўн-ўн беш минутдан кейин ухлаш учун ошқозон эмас, тегирмон керак. Боланинг кўпроқ ухлаши тарбиячи учун яна ҳам яхши. Қўлоғи тинчроқ бўлади. Уйқудан тургач у стулчасига ўтқазиб қўйилади. Қимирлаши таъқиқланади. Болалар катталарга ўхшаб бир-бири билан ҳангома қилишни эмас, балки бир-бири билан ўйнаб ўтириш-

ни ёқтиради. Боғчада эса улар стулда бир-бирига термулганча соатлаб ўтиришадди, диққати ошади, кайфияти охир-оқибат асаби бузилади. Менинг бу гапларим боғчаларимизнинг 99 фоизига тегишли. Боғча бизда болаларни издан чиқарувчи оналар учун иложсизликдан боласини берган «тарбия» маскани?

Натижаси ёмон бўлмайди.

Т. ЭШБОВ.



САҲИФА МАТЕРИАЛЛАРИНИ Т. ЭШБОВ ТАЙЕРЛАДИ


ҲОЙДАСИ КЎПРОҚ ЭДИ

Дарсликлар ҳақидаги муаммоларни ёзаверамизу, натижа эса ҳеч кўринмаяпти. Қишлоқ мактабларида ўқув китобларининг етишмаслиги ҳаммага маълум. Бунинг устига кейинги йиллардаги ўзгаришлар натижасига кўра, дарсликларни янгитдан тузиш кераклиги ҳақида ҳам фикр юритилмоқда. Лекин бунча маблағни қаердан олиш мумкин.

Менинг бир таклифим бор: ушбу маблағни барча мактаблардаги кашшоф етакчилари (ҳозир уларни болалар етакчилари деб аташмоқда) ни икки-уч йил қисқартириш ўрнига топиш мумкин. Тежалган маблағ барча ўқувчиларга етарли, янгитдан ишланган дарсликлар яратиш учун етса керак. Ишончим комилки, ундан тушадиган маблағ бир неча миллионни ташкил этиб, у дарсликлар муаммосини анча енгиллаштиради.

Давр ўзгариб, ташкилотлар янгиланган пайтда бу етакчиларнинг олиб бораётган ишларининг тайини йўқ. Масалан, бизнинг мактабда болалар етакчилигининг нима билан машғул эканлигини ҳеч ким билмайди. Ишонмасангиз текшириб кўринг. Таклифим устида эса бир ўйлаб кўриш керак.

С. НОРҚУЛОВ,
Ўқитувчи, Навоий вилояти.



Акам бир неча йиллардан буён олий ўқув юртига кира олмаяпти. Унинг айтишича, мактабни зўрға бигирган бир синфдоши Афғонистонда байналмилал бурчини ўтаб келгани учун имтиёз билан ўқишга кириб олибди.

Ҳақли савол туғилади: бугунги кунда Афғонистонда жанг қилганларни босқинчилар деб аташапти. Шундай бўлса ҳам уларга кўпчиликка насиб этмаётган имтиёзлар берилаверадими?

С. НОМОЗОВ,
Фарғона вилояти.



Муҳарририят саҳифада эълон қилинган мактублардаги фикрларга қўшилмаслиги мумкин.

Суратдаги кулча юзли, мунчоқ кўзли кичкинтойларга эътибор беринг. Бир-биридан ширин, шундай эмасми? Бу жажжалар 21-болалар боғчасида тарбияланадилар. Фарзандларимиз чиройли, кўркемгина бўлиб қолмай, соғлом-бақувват ўсинлари, баркамол бўлишлари ҳар биримизнинг орзу-умидимиз. Бадантарбия эса саломатлик гарови, болаларнинг сеvimли машғулоти. Афсуски, қўлаб боғчаларимизда аҳвол бундай эмас. Биз саломатлик гарови деган спорт машғулоти ўта зерикарли ўтади. Спорт анжомлари, кимдир боргандагина болалар қўлига тегади.

Р. АЛБЕКОВ
суратга олган.

РОҲИЛА ИШДАН келди-ю, кийимларини алмаштириб, аввал қайси ишни қилсам экан, деб ўйланиб қолди.

Эшик кўнғироғи жиринглади. Роҳила чўчиб тушди. Илдам бориб эшикни очди. Қўшниси Насибакхон экан.

— Вой, қўшнижон, яхшимисиз? Ишлар билан чарчамай юрибсизми? Болалар, хўжайинингиз яхши юришптимиз?

Насибакхоннинг лаби-лабига тегмай бидиллаганидан Роҳила билдики, нимадир сўраб чиққан.

— Раҳмат, Насибакхон, ўзингиз тузукмисиз?

Насибакхон гапни илиб кетди:

— Шу денг, қўшнижон, кутилмаганда меҳмон келади-да, бўлиб қолди-да. Болаларга минг марта айтдим, ҳей, конфет-понфет турсин уйда, вақт-бевақт биров келиб қолиши мумкин, эшикни уй. Йўқ, қаёқда дейсиз, бу ёқдан адаси обкелади, бу ёқдан булар куртади — қўяди. Шунга денг қўшнижон, озгина тузукроқ конфетингиз бўлса бериб туринг, меҳмонлар кетиши билан қайтариб бераман. Барибир ҳеч ким емайди-ю, меҳмоннинг ҳурмати-да.

Роҳила кулди:

— Прокатга денг.

— Ҳа, ҳа, — деди кулиб Насибакхон. — Югуриб бориб обкелай десам, магазинларда тоза конфет ўлгур топилмасе денг. Унинг устига вақт-кеч бўлиб қолди, ҳали ошни зирвагини қовурганим йўқ. Айбга бўйрмайсизда энди, қўшнижон.

Роҳила қўшнисини ҳижолатдан чиқармоқ ниятида:

— Қайтариб бераман деганингиз нимаси, Насибакхон, — деди. — Ярим кило конфет одамдан азимиз. Ишлатавиринг, қўни-қўшничилиги аллашиб турамиз-да. Кечагина адаси икки кило вафлилар конфет олиб келувдилар. Ҳозир обқиқаман.

Роҳила узун шкафининг конфет турадиган бўлмаси эшигини очди. Очди хайрон бўлиб қолди. Аввалдан турган бир-икки кило оддийроқ конфет бор, аммо кечга конфет йўқ. Эри қандай олиб келган бўлса шундайлигича, қозонини ҳам очмай шкафга қўйган эди. Шкафга термулганча саррайиб қолди. «Қаёқча кетди? Ким олди экан?» Сўрай десам уйда ўзидан бошқа ҳеч ким йўқ. Ҳар эҳтимолга қарши шкафининг бошқа бўлма-ларини ҳам очиб кўрди. Йўқ.

Бўшашиб изига қайтди.

— Насибакхон тоза конфетни тополмадим. Билмадим. Билмадим, болаларим ёки адаси олганга ўхшайди. Жойида йўқ. Оддийроғи бўлсаям майлими?

Насибакхон бўш келмади.

— Оддийроғи ўзимдаям кўп, қўшнижон, тозаси бору сал эскироқ эди-да. Шунга сизда «свежий»си бўлса деб сўровдим — Қошларини чимирди. — Ҳай майли, нима қиламан, эски бўлсаям қўявераман ўзимдагини.

Роҳила ҳижолатдан қизариб кетди. Ҳеч қачон бундай аҳ-

волга тушмаган эди.

— Болалар келсин-чи, сўраб кўраман. Топилса чиқартиворарман.

Насибакхон энсаси қотиб зинадан туша бошлади:

— Овора бўлманг қидириб, бўлса турарди-да, жойида. Конфетни оёғи бормидики, бирон жойга қочиб кетса.

Роҳила эшикни ҳам ёпмай кираверишдаги стулга чўкди.

Рўй берган ҳодисани тасаввурга сиғдирилмас, кечагина ўз қўли билан қўйган конфет бир кечада қаёққа қойиб бўлганидан хайрон улоқ эди.

ШУ КУЙИ ҚАНЧА ўтирди, билмайди. Уғли Нодир кириб келди-ю хаёлини йиғиштириб олди. Нодир ойисининг бу аллоҳда ўтирганидан ажабланди.

— Ҳа, ойи нима қилиб ўтирибсиз?

Роҳила бўлган воқеани ўғлига айтди.

— Сен кўрмадингми конфетни?

Кўзлари чарақлаб турган Но-

дир куниям навбатчиман, деб юривдинг?

— Навбат тез-тез келади-да.

— Жонинг омон бўлсин, болам. Утир чой ич мен билан. Нодир ўтирди. Қумри хола унга бир пиёла чой қўйиб берди.

Нодир шу мактабга келибдики, Қумри холани билади. Жуда хушмуомала, ҳаммани болам-бўтам деб юради. Уқувчиларга ҳам, ўқитувчиларга ҳам ўзининг боласидай майин, эркалаб гапирди. Айтишларича, Қумри хола ўттиз йилдан бери шу мактабда фаррош бўлиб ишлайди. Бу орада эҳҳе, қанча-қанча ўқувчилар битириб кетди. Қумри хола уларнинг ҳаммасини билади.

— Аданг, ойинг яхши юришптимиз, болам? — деб сўради Нодиржондан.

— Раҳмат, — деди Нодир. Узица ўйлади: «Адам билан ойилани Қумри хола танирмиканлар?»

А СЛИДА ҚУМРИ хола Нодирнинг ота-онасини танимайди, бироқ танишдай ҳол-аҳвол сўрайди. Биргина Нодирдан эмас, ҳамма болалардан сўрайди. У мактаб-

ёқа ушлади. Хола сўзида давом этди:

— Елғиз ўғлим бор эди, болам, — кампир кўзига ёш олди. — Умри қисқа экан, ўттизга бормаи оламдан ўтди... Бир йил ўтар-ўтмас хотини эрга тегиб кетди... Уғлимдан ёдгорлик бўлиб неварам қолган. Адаси ўлганида у бир ёшда эди. Боламини эслатиб туради, деб олиб қолдим... Икки яшар гўдакни одам қилгунимча... Э, нимасини айтасан, болам... Худого шукур, эсон-омон улғайди, мактабни битирди. Армияга кетди. Эрта-индин келади... Шунини ўйли-жойли қилсам бас, кейин ўлсам армоним йўқ.

Қумри хола рўмолчаси билан кўз ёшларини артди. Нодир холанинг гапларини тинглаб жим қотиб қолди.

— Ҳасратимни тўқдим-а, сенга, — деди хола ўрнидан туриб. — Бир кўнглим бўшаб кетди-да. Неча кундан бери сарсон-саргардон бўлиб юрганим алам қилиб кетди, болам. Қўлдан олай десам, фалон пул. Менда шунча пул қаёқда? Шу боламга у-бу нарсаси олиб қўйиб деб пенсияга чиқсамам ишлайман. Ердан берадиган қариндош-уруғларимиз йўқ... — Хола чуқур хўрсинди. — Майли, болам, яхшироқ бўлмаса бундайроғи топилар. Юр энди, ишимизни қилайлик. Эзма кампир бошимни қотирди дейсан-да.

Шу кунни кечгача Нодир Қумри холанинг гапларини ўйлади, унга раҳми келди. Ойимга айтсаммикан деб хаёл қилди. Конфет берармиканлар? Яна ўзига деди: «Шуниям айтиб ўтирамани, уйда конфет кўп-ку. Шундан озгинасини олиб бориб бераман».

Эрталаб ўрнидан турса дасеям, ойисиям йўқ. Ишга кетиб бўлишпти. Каровати ёнида бир парча қоғоз турибди. Уқиди: «Нодиржон, ишга вақтлроқ боришим керак. Сени туришингни кутмай кетдим. Қозондаги овқатни укаларинг билан енглар. Эшикларини яхши бекитиб кетгин, Ойинг».

Нодир апил-тапил ювинди. Укаларини уйғотди. Чой ичиб бўлгач шкафининг конфет турадиган хонасини очди. Пирамидида шаклида ўралган катта қоғоз турибди. Очди. Вафлилар конфет. «Шуни олиб бораман Қумри холага», деб ўйлади-да, сумкасига солди. Бунинг кўрган синглиси:

— Нима қилаяпсан? Нега конфетни оласан? Ойимга айтиб бераман, — деди.

Нодир индамади. Туфлисини кийди-да, синглисига дўк урди:

— Кўп бидиллама. Бўл тезроқ, мактабдан кеч қоласан. Нодир мактабга борди-ю, синфга кирмай Қумри холани қидирди. Уни ҳамиша ўзи ўтирадиган кичкина хоначадан топди.

— Қумри хола, — деди ҳовлиқиб, — мана сизга конфет олиб келдим.

Қумри хола хайрон бўлиб қолди.

— Қардан олдинг? — де-



Маматқул ҲАЗРАТҚУЛОВ

ди хола нима дейишини билмай.

— Уйдан...

Хола унинг гапини кесди. Нодир бир зум доғдираб қолди, аммо дарҳол ўзини қўлга олди.

— Ҳа, деди ёлғон гапириб, — биладилар, ўзлари бердилар.

— Ахир мен сенга конфет обкегин демовдим-ку. Неч пулакан? Нодир ўзини ташқарига урди:

— Пули керакмас. Ойим шундай бердилар.

У синф томонга югуриб кетди. Қумри хола конфетни ушлаганча унинг орқасидан термулиб қолди.

Роҳила Нодирнинг гапини эшитиб индамай қолди. На уришишни билади, на раҳмат айтишни. Уғлининг раҳмдиллигидан, одамгарчилигидан хурсанд бўлса, уйдаги нарсани ҳеч кимга айтмай ўзбошимчилик билан олиб кетганидан, Қумри холага ёлғон гапирганидан ранжиди.

— Бировга ёрдам берганинг яхши, Нодиржон. Аммо шуни менгами, адангга айтишинг керак эди. Йўқ демасдик. Балки яна қўшиб берармикан. Унинг устига «ойим бердилар» деб ёлғон гапирибсан. Ёлғон гапириб яхши эмас. Бу ёқда мен қўшининг олдида уятли бўлиб қолдим.

— Кечиринг, ойижон, иккинчи бундай қилмайман, — деди Нодир.

— Нима гап бўлса «бизга айтгин, хўпми?»

Эшик очилиб Нодирнинг иккинчи синфда ўқийдиган синглиси кириб келди. У ойисини кўриши билан бидирлаб кетди:

— Ойи-чи, ойи, Нодир эрталаб конфет ўғирлади. Кўп конфетни сумкасига солиб мактабга олиб кетди. Уртоқларига таркатган.

Роҳила кизини эркалатди. — Уғирлагани йўқ, қизим, ўзим айтган эдим, аканг кеча мендан сўради.

НОДИР СИНГЛИСИГА бир ўқрайиб қаради. Лекин миқ этмади. Роҳила ўрнидан турди:

— Қани кийимларингни алмаштиринглар. Чой ичамиз. Шундай деб ошхона томон юрди.

Нодир хонасига кирди-да эшик олдида сумкасини кароватга иргитди. Унинг кўз ўнгидан Қумри холанинг мамнун чеҳраси кетмасди...



ҲИКОЯ

дир бирдан сўлғин тортди. Ойисига гуноҳкорона термулди. Бундан Роҳила сездики, бу ерда бир гап бор.

— Нима гап? — деди жаҳл билан Роҳила ўғлига. Нодир бошини эгди. У нимадир демоқчи бўлар, аммо тили бормасди.

— Гапир, — деди Роҳила. — Фақат тўғрисини айт.

— Тўғрисини айтсам урмайсизми?

— Йўқ. Нодир тутила-тутила бўлган воқеани гапирга бошлади. Нодир бугун навбатчи. Дарсдан кейин синфни тозалаши керак. Челақ, латта сўрагани Қумри холанинг олдида борди.

— Ассалому алайкум, Қумри хола.

— Ваалайкум ассалом, — деди чой ичиб ўтирган хола.

— Ке, болам, яхши юрибсанми? Дарсинг тамом бўлди-ми? Нима қилиб юрибсан бу ерда?

— Бугун навбатчиман. Синфимизнинг полини артмоқчиман.

Қумри хола кулди.

— Овора бўлиб нима қилсан, ўзим ювиб қўяман-ку. Уқитувчиларингиз хайронман, силарди сарсон қилишининг нима ҳолати бор экан?

— Сизга ёрдам-да, холажон.

— Шундай дегин... Ҳа, майли холанг ўргулсин сендан. Менга қара Нодиржон, қайси

нинг онажонига айланиб қолган-да.

Хола чой ичиб ўтирган кичкинагина стулчада у-бу нарсасолинган елим пакет турарди. Нодир қизиксинди.

— Магазинга бордингизми, хола, — деди пакетга ишора қилиб.

— Ҳа. Ҳозиргина келдим чарчаб, шунга бироз дам олай деб чой ичаётган эдим. — Қумри холанинг овози хасталанди. — Нечта магазинга бордим, болам. Бирон бир керакли нарсани топиб бўлмайди.

Нодир катталар каби савол берди:

— Нима қидирыпсан, хола? — Э, болам — деди Қумри хола ўйчан. — Эрта-индин неварам армиядан келади. Биринки килогина тузукроқ конфет излаб юрибман. Елғиз неварам-да.

Нодир ўйланиб қолди. «Невараси келса нега энди Қумри хола сарсон бўлиб конфет қидириб юрибди? Болалари-чи? Қумри хола унинг кўнглидан кечган нарсани сезгандай гапирга кетди:

— Қариган чоғингизда магазинда нарсаси қидириб юриш нима зарил сизга, деб ўйлаяпсан-а, болам?

Холанинг бу гапидан Нодир




Япон инженерлари асризмизнинг энг катта бульдозерини яратдилар. Унинг оғирлиги 100 тонна. Двигателининг қуввати 1000 от кучига эга. Янги трактор 46 кубометр тупроқни суриш қобилиятига эга.

Новокраматорск машинасозлик заводига XX асрнинг энг йирик экскаватори яратилди. Кўмирни очиқ усулда қазиб олишга мўлжалланган бу машина бир соатда 5.000 тонна кўмир қазийди.

ГДРнинг Штаатс шаҳрида ҳанузгача XIV асрда қурилган сув тегирмони ишлаб турибди.

Егочдан ясалган тегирмон чархплагининг диаметри уч метрга яқин бўлиб, айланиш тезлиги минутига 10 маротаба. Тегирмон йилига тахминан 150 тонна ун ишлаб чиқаради. Тегирмонни кўриш учун сайёҳлар келиб турадилар. Экскурсияни тегирмончи Герхард Вильканинг ўзи олиб боради. У бу тегирмон хўжайинининг еттинчи авлоди (унинг узоқ қариндоши 1738 йили бу тегирмонни сотиб олган). Вилька бундан ташқари ҳамкорлик асосида новвойлик ҳам қилади.

Газетанинг навбатдаги сони 26 февраль кунини чиқади.



Бош муҳаррир: Ақром БЕРДИМУРДОВ.

Таҳрир хайъати: В. ФАИЗУЛЛАЕВ, Т. ЭШБОВЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), А. КУЧИМОВ, М. РАҲИМБЕРДИЕВА, Т. КАРИМОВ, М. ПИРМАТОВ (масъул котиб).

Табсис этувчи:

ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАР ИТТИФОҚИ
МАРКАЗИЙ ҚУМИТАСИ.

Бизнинг манзилгоҳимиз: ТОШКЕНТ ШАҲРИ,
ЛЕНИНГРАД КУЧАСИ, 32-УЙ.

Маълумот учун телефон: 32-54-21

ЎЗНОМА ҲАФТАНИНГ ЧОРШАНБА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ.

ЎЗНОМА 346700 нусхада чоп этилди. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10